



- ✓ **Ўзбекистондаги кенжа партия – «Фидокорлар» ва унинг илк олимлари.**
- ✓ **«Чархпалак» телесериалининг яна нечта қисми бөр?**
- ✓ **Аёллар камокхонасида. Қилмиш-қидирмиш ва сунги пушаймон.**
- ✓ **Ўзбек қизига Урисиялик миллионер йигитдан совчи келди.**
- ✓ **Фолбин уз уйингизда. Ишонмайсизми? Унда хонадонингиздан суварак юз угирган...**



*ва бундан-да қизиқарли мавзулар бугунги сонда.*



# Туркистон

Элим деб, юртим деб, ёниб яшаш керак

1925 йилдан чиқа бошлаган

ЎЗБЕКИСТОН ЁШЛАРИ «КАМОЛОТ» ЖАМҒАРМАСИ ГАЗЕТАСИ

1999 йил 6 январь Чоршанба. № 1 (144192)

## 1999 йилги Президент стипендиатлари

Мамлакатимиз раҳбарияти олий малакали илмий ҳамда илмий-педогогик кадрлар тайёрлашга катта эътибор бермоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Давлат стипендиясини олиш учун учинчи йил таълим олаётган аспирантлар орасида олти йилдан буён ҳар йили мунтазам танлов ўтказилаётгани бу фикрни тасдиқлайди. Давлат Фан ва техника қўмитасида 1999 йилги стипендиатлар гувоҳномасини топшириш маросими бўлди. Учрашувга шу йилги танлов ғолибларигина эмас, ўтган йиллардаги Президент стипендиатлари ҳам таклиф этилган эди.

Давлат Фан ва техника қўмитаси ҳузурнда ташкил этилган махсус эксперт комиссияси ва давлат стипендияларини тайинлаш комиссияси бу йил 44 даъвогардан кўп босқичли ҳар томонлама танловдан сўнг яширин овоз бериш йўли билан фан ва техникани ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича танловнинг беш нафар ғолибини аниқлади. Танлов чоғида даъвогарлар топширган имтиҳонлар кўрсаткичлари-гина эмас, илмий фаолият натижалари, шу жумладан, тадқиқ этилаётган мавзунинг долзарблиги, мамлакатимиздаги ва хориждаги нашрларда мақолалари эълон қилингани, шунингдек, патентланган ихтиролар ҳам эътиборга олинди.

Ўзбекистоннинг ақлий салоҳияти улкан, - деди Давлат Фан ва техника қўмитаси раиси, академик Пўлат Ҳабибуллаев 1999 йилги стипендиатларни табриклар экан. - Республикаимиз мустақилликка эришгандан сўнг амалга оширила бошлаган дав-

лат илмий-техникавий сиёсати, жумладан, истеъдодли ёшларнинг ижодий қобилиятини мумкин қадар ривожлантиришга, уларнинг илмий фаолиятга интилишини ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга қаратилган.

Энг иқтидорли аспирантларга Президент стипендиясининг берилиши анъанага айланиб қолди. Вақт ўтган йиллардаги танлов ғолибларини саралаб олиш якуналарининг тўғрилигини тасдиқлади. Уларнинг кўпчилиги фан номзоди илмий даражасини олиш учун диссертацияни муддатидан олдин ёқлади, танлаб олган илмий йўналишда тадқиқот ишларини муваффақиятли олиб бормоқда, айримлари эса илмий ишлар билан шугулланиш билан бир вақтда докторантурада таълим олишни давом эттирмоқда.

Бундан ташқари, Давлат Фан ва техника қўмитаси Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Умид» жамғармаси йўли билан ҳар йили 20 нафарга яқин истеъдодли олимларни малака ошириш учун хориждаги етакчи илмий марказлар ва олий ўқув юртиларига юбормоқда.

1999 йилги Президент стипендиясига танлов ғолибларини ўтган йиллардаги стипендиатлар ҳам табриклади. Улар ўз илмий ишларининг якуналари, давлат гамхўрлиги ва мадади бу ишда қудратли омил бўлгани ҳақида гапирдилар.

**А.ИВАНОВА,**  
ЎЗА мухбири



*Рамазон айтиб келдик уйингизга*

## КўРГАЗМАДА ВАТАН ТИМСОЛИ

Кеча Ҳиндистон маданият марказида таниқли расом Азизахон Маматова асарларининг кўргазмаси очилди. Унда мусаввирнинг сўнгги бир йил ичида чизган, Ватанимиз тимсоллари акс эттирилган суратлари -- табиат манзаралари, ўзбек ҳамда ҳинд халқлари ҳаёти тасвирланган портретлар ва бошқа бир қанча асарлари қўйилган.

Биз келгусида ўзбекистонлик ва ҳиндистонлик ёш расомлар асарлари кўргазмасини ҳам ташкил этишни олдимизга мақсад қилиб қўйганмиз, -- дейди марказ раиси Камар Раис. -- Бу эса икки халқ ўртасидаги муносабатларни ҳамда дўстликни янада мустаҳкамлайди.

**Рўзи БОЙ**

*Газета сажифазанабдида*

Мутафаккир ва шоир Паҳлавон Маҳмуд туғилган куннинг 750 йиллигига бағишланган юбилей тад-

бирлари орасида миллий кураш бўйича 4-Халқаро мусобақа энг ёрқин воқеа бўлди. Мусобақа янги йил арафасида Хива шаҳрида ўтказилди.

Хоразмда бу мусобақа анчадан буён анъанавий турнирга айланган. Бу йил афсонавий Паҳлавон юбилейи муносабати билан унда республикамиз, Тожикистон ва Туркменистоннинг энг кучли 200 нафар полвони иштирок этди.

## Ғолибга - «Тико» автомобили

Уларнинг кўплари елкаси ерга тегмаган машҳур Паҳлавон Маҳмуд номдор рақибларидан бирини мағлуб қилиб, беш минг юртдошини асирликдан қутқарганини энди-гина эшитди.

Қашқадарёлик полвон Баҳром Авазов Паҳлавон Маҳмуд хотирасига бағишланган мусобақанинг мутлақ ғолиби бўлди ва бош соврин - «Тико» автомобилини олди.

**ЎЗА**

# "ФИДОКОРЛАР" ПАРТИЯСИГА ГУВОҲНОМА БЕРИЛДИ

Республика Адлия вазирлигида Ўзбекистон "Фидокорлар" миллий демократик партиясининг Низоми давлат руйхатидан ўтганлиги тўғрисидаги гувоҳномани топшириш маросими бўлди. Гувоҳномани Адлия вазири С.Мирсафоев партиясининг бош котиби Э.Норбутаевга топширди.

Маросимда "Фидокорлар" миллий демократик партиясининг мамлакат ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ҳамда маънавий ҳаётида тутадиган ўрни, унинг қайси ижтимоий табақалар манфаатларини ифода этиши, асосий мақсад ва вазифалари ҳақида атрофлича фикр юритилди. Таъкидландики, янги партиясининг мақсади — эркин бозор иқтисодиётига суянган очиқ демократик давлат қуриш ва фуқаролик жамияти асосларини барпо этиш, аҳоли турмуш даражасини тараққий этган давлатлар даражасига кўтариш, жаҳон ҳам-жамиятида мамлакатимизнинг муносиб ўрин эгаллашига амалий ҳисса қўшишдан иборатдир. Партия Ватан қисматини ўз шахсий қисмати деб биладиган, мустақил Ўзбекистонимизнинг эртаси учун масъулиятни ўз зиммасига оладиган ва бу улғу ишга қодир, халқимиз бахт-саодати, демократия ва адолат йўлида толмай курашадиган, фидокор, илғор ва кенг фикрли, изланувчан инсонларни сафларига бирлаштиради.

Ёшлар — бизнинг келажагимиз. Зотан, жонажон Ўзбекистонимизнинг келгусида буюк давлатга айланиб, жаҳондаги энг тараққий эт-

ган мамлакатлар қаторидан ўрин олиши ҳам ана шу ёшларга, уларнинг ақл-заковати-ю ғайратига кўп жиҳатдан боғлиқ, албатта. Биз бугунги кунда ўз тақдиримизни ҳам, мамлакатимиз, унинг мустақиллигини ҳам ёшлар қиёфасида, уларнинг пок қалби-ю, эркин тафаккурида, мустаҳкам иродаси-ю дунёқарашида кўришимиз мумкин. "Фидокорлар" партиясининг айна чоғда республика ёшларини умуммиллий эзгу мақсад сари бирлаштирадиган сиёсий куч сифатида фаолият кўрсатади, дея қайд этилди маросимда.

"Фидокорлар" миллий-демократик партиясининг ўзининг ва ўз аъзоларининг фаолиятида эл-юрт фаровонлиги, Ватанимиз келажаги учун ҳалол ва фидокорона меҳнат қилиш ғояларига ва тамойилларига амал қилади, жамиятдаги барча соғлом кучларнинг сиёсий манфаати, интилишлари ва хоҳиш-иродаларини ифодалайди, хусусан, кичик ва ўрта мулкдорларга суянади.

Мазкур партиясининг умумжаҳон демократик тамойилларидан келиб чиқиб, фуқаролик жамияти қуришнинг асосий қафолатлари — адолат, озодлик ва ҳамкорлик қадриятларига амал қилиш, деб билади.

Маросимда сўзга чиққан партиясининг



фаолларининг таъкидлашларича, "Фидокорлар" партиясининг вужудга келиши ва фаолият кўрсатишидан бош мақсад — мамлакатимизда кўп укладли иқтисодиётга, миллий ва умуминсоний қадриятларга таянган фуқаролик жамиятини қуриш жараёнига ҳамда унга хизмат қиладиган демократик-ҳуқуқий давлатни барпо этиш ишига амалий ҳисса қўшишдир.

**Т. БОТИРБЕКОВ**  
(ЎЗА)



## ОНАЛАРИ КУЛСА МИЛЛАТНИНГ

**Бугун жамиятимизнинг бирон бир жабҳасини хотин-қизларнинг фаолияти, иштирокисиз тасаввур этиб бўлмайди. Оилада, идорада, корхона ва завод-фабрикаларда мўътабар аёллар ўрни алоҳида таҳсинга лойиқ. Президентимиз томонидан бу йил Аёллар йили деб эълон қилиниши ҳам уларга бўлган алоҳида ҳурмат ва эътибордир. Йилни орасингилларимиз қандай умидлар билан қаршилайганликлари ҳақида қизикдик:**

**Тошкент метроси мустақиллик майдони бекати катта оператори Зулфия САМИГУЛ қизи:**

-- Умуман айтганда, аввалги йили бўлган оилавий қувончларим тинч-осуда ўтган оила йили билан уйғунлашиб кетди, десам бўлади. Тарихда ҳам қадимдан халқимиз аёлларни эъзозлаган, уларга ҳурмат билан қараган. Кириб келган янги -- Аёллар йилида орзу, режаларим бисёр. Мустақил, осойишта юртнинг ҳар бир кунини менинг ушалаётган оналик орзуларимдир.

**Муҳайё МИРСАЙДОВА,**  
уй бекаси:

-- Худо хоҳласа, ҳадемай оиламизга яна жажжи меҳмон ташриф буюради. Бундан хўжайинимнинг қувончи ўзгача. Мен шу ёшгача етиб эшитмадимки, бутун йил аёллар номи билан аталса. Бу яна биз ўзли-

гимизга қайтганимиздан нишонандир. Аёлини, онасини қадрлаган элнинг эртаси албатта, улғу бўлади. Истардимки, асрнинг сўнгги кўнғироғи бўлган 1999 йил қўшни давлатларимиз опаларига ҳам тинчлик, осудалик олиб кирсин.

**ДИЛФУЗА,**

**ТошДУ талабаси:**

-- ... Ҳайитдан сўнг тўйимиз бўлади. Кўз тегмасин. Қаллим мени жуда ҳурмат қилади. Биз бир-биримизни севадим. Қолаверса, бу йил менинг мучалим. Мунажжимлар башоратича мен учун 1999 йил омадли бўлиши керак. Қаллим ҳам "Аёллар йили"да сизни янада эъзозлашга тўғри келади", деб ҳазиллашади. Ҳамма мазкур йилда бахтиёр бўлсин!

**Низом НОРҚОБИЛ**  
ёзиб олди

Европа мамлакатлари ягона пул бирлиги "евро"га ўтиши биланоқ Австралия ва Узоқ Шарқ давлатлари молия бозорларида бу валюта билан боғлиқ савдо-сотиклар ўтказилди. Яқинда очилган Сидней шаҳри биржасида эса янги валютанинг нархи ўтган ҳафта Брюсселда Европа вакиллари белгиланган нархдан бирмунча юқори бўлди. Ҳозирда Токио, Гонконг ва Сингапур бозорларида савдо ишлари мазкур валютада юритилмоқда. Савдоларнинг асосийлари эса Европа бозорларида бўлиб ўтади. Мутахассисларнинг фикрича, евровалюта яқин келажақда ҳатто Америка Қўшма Штатлари валютаси -- доллар билан ҳам рақобатлашиши мумкин.

X X X

**Покистоннинг Лаҳор шаҳри яқинидаги кўприк остида бомба портлаши натижасида уч киши ҳалок бўлди.** Ҳозирда мамлакат полицияси томонидан мазкур ҳаракатни уюштирган шахслар зўр бериб қидирилмоқда. Покистон аҳборот вазири Мушоҳид Хусайн бу ҳодисани изоҳлаб, уни мамлакат Бош вазири Навоз Шарифга нисбатан уюштирилган террорчилик ҳаракати сифатида баҳолади. Чунки мазкур ҳаракат айнан Бош вазирининг шаҳар ташқарисидаги уйига олиб борувчи йўлда содир этилган. Хусайннинг фикрича, бу воқеа ҳукуматни террорчиликка қарши курашни мустаҳкамлашга ундайди.

X X X

**Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Анголадаги махсус вакили Исса Днallo-**

нинг хабар қилишича, БМТ ўз қузатувчиларини жанг майдонларидан олиб чиқиб кетишга ва уларни Руанда пойтахтига жойлаштиришга қарор қилди. Тахминларга кўра Анголада айнан шу ташкилот хизматчиларига қарши таъйиқ уюштириляпти. Эслатиб ўтиш жоиз, Уамбо шаҳрида БМТнинг иккита самолёти уриб туширилган. Шундан сўнг Нью-Йоркда



БМТ Бош котиби Кофи Аннан бу шаҳарда училарни тўхтатиш ҳақида буйруқ берган эди. Шунингдек, Бош котиб ҳукуматдан жанглари тўхтатишни талаб қилди.

X X X

**Исроилда насроний динига мансуб америкалик саккиз киши қўлга олинди.** Тахминларга кўра, улар Қуддусда Исо пайғамбарнинг иккинчи бор туғилишини тезлаштириш борасида зўравонлик ҳаракатларини режалаштиришган. Маълум бўлишича, қўлга олинганлар "Хавотирдаги насронийлар" гуруҳи аъзоларидир. Ушбу гуруҳнинг олти нафар аъзоси бир неча ой илгари АҚШдаги уй-жойларини тарк этиб, Исроилга йўл олган эдилар. Уларнинг раҳбари Монте Ким Миллер ўзининг 1999 йилда Қуддусда вафот этишини башорат қилган эди. Исроил полициячиларининг фик-

рича ҳибсдагилар суд қилинмайди. Улар фарзандлари билан биргаликда АҚШга жўнатиб юборилади.

X X X

**Украинанинг Киров шаҳри жануби-шарқда жойлашган кўмир қонида кучли портлаш рўй берди.** Мазкур ҳодиса шахтёрлар ер остида портлаш ишларига тайёргарлик кўришаётган вақтда содир бўлган. Расмий хабарларга кўра, кутқарувчилар ҳалок бўлган олти нафар қончини олиб чиқишди ва оғир яраланган яна бир қончини шифохонага жўнатишди. Бундай ҳодисалар Украинада тез-тез учраб туради. Бунга қонлардаги қурилмаларнинг эскирганлиги кўпроқ сабаб бўлмоқда. Таъкидлаш жоизки, ўтган йилнинг апрель ойида Спичинск ва Донецк вилоятлари қонларида метан газининг тўпланиб қолиши оқибатида рўй берган портлашда 63 нафар қончи ҳалок бўлган эди.

X X X

**АҚШнинг "НАСА" фазо агентлиги Марсга автоматик сайёраларо фазо кемасини муваффақиятли учирди.** Ушбу кеманинг вазифаси Қизил сайёранинг жанубий қисмида ҳаёт манбаи бўлган сувнинг бор-йўқлигини аниқлашдан иборат эди. "НАСА" вакилининг маълум қилишича, Америка олимларининг Марсда муз мавжудлиги борасидаги тахминларини таъкидлаш жоиз. Бундан илҳомланган Марсга учирилган робот муз парчасидан намуна ва сайёрада қайд этилган товушлар ҳамда расмларни ҳам юборади.

## ҲАҚИҚАТГА АЙЛАНГАН ОРЗУ

Хорижда илм олишни орзу қилмаган йигит-қиз топилмас керак. Шу маънода Президентимиз Ислам Каримовнинг ёшларнинг чет элда таълим олишларини қўллаб-қувватловчи "Умид" жамғармасини тузиш тўғрисидаги Фармони айнан халқимиз дилидаги гап бўлди.

Жамғарма орқали 1998 йилда ҳам 400 дан зиёд Президент гранти совриндорлари жаҳоннинг АҚШ, Англия, Германия, Франция, Япония, Италия сингари илгор мамлакатларича ўқишга юборилди. Улар иқтисодиёт, халқаро ҳуқуқ ва халқаро муносабатлар, информатика ва компьютер технологияси, табиий фанлар, қишлоқ хўжалиги, экология, санъат ва журналистика каби энг устувор соҳаларда ўз билимларини тобора мустаҳкамлаб, чуқурлаштириб қайтишади.

Албатта иқтидорлилар сифидан энг иқтидорлилари танлаб олинган. Айтиш жозизки, "Умид" совриндорлари

## Ишонч карвонлари

орасида республикамизнинг барча вилоятларидан, турли миллат вакиллари мавжуд.

Хуш, хорижда билим олаётган юртдошларимизнинг таълим олишга қизиқишлари қандай? Чет эллик олимлар, ўқитувчилар, қолаверса, АК-СЕЛС, ДААД Британия кенгаши ва бошқа нуфузли ташкилот мутахассисларининг фикрича, ўзбекистонлик ёшларнинг тафаккури, билим савияси, хулқи хорижлик йигит ва қизлардан ортиқ бўлса ортиқки, бироқ сира кам эмас. Ёшларимизнинг барча фанларни аъло даражада ўзлаштираётганини эътироф этган ҳолда айрим университетлар маъмурияти ҳатто ўқиш харажатларини ўзлари қоплашга розилик билдириб, уларга илм олишни давом эттиришни таклиф қилишяпти.

"Умид" йўлланмаси асосида чет элда ўқийётган ёшларимиз билан мунтазам алоқа йўлга қўйилган. Жамғарманинг масъул ходимлари ҳар бир талаба билан электрон почта, ИНТЕРНЕТ тармоғи, элчихоналар орқали мулоқот ўрнатган. Талабалар аҳволидан ҳатто таътил пайтида ҳам хабардор бўлиб туриш яхши анъанага айланган. Келгусида алоқани янада кенгайтириш кўзда тутилмоқда.

Айни дамларда жамғарманинг 1999-2000 йилги Президент грантларига совриндорларни аниқлаш бўйича ишлар бошлаб юборилган. Грантларнинг умумий сони 300 тани ташкил этади. Жаҳоннинг юқорида номи қайд этилган олгита мамлакатига халқ хўжалигининг энг устувор соҳалари бўйича ёшларимиз ўқишга жўнатилади. Имтиҳонлар эса замон талаблари ҳамда илм-фанлардаги энг сўнгги янгиликларни ўз ичига қамраб олган.

Назокат УСМОНОВА

Янги иқтисодий шароит, ишлаб чиқариш жабҳаларида вақтинча юз бераётган танглик оқибатида иш жойларининг қисқариши кўпчилик ходимларни ишсизлик ботқоғига олиб бормоқда. Ишдан кетган мутахассислар сафини маълум малакага эга бўлмаган, эндигина мактабни тамомлаган ёки ҳарбий бурчини ўтаб қайтган ёшлар кўпроқ ташкил этади.

Андижон вилоятида эса бу муаммо муваффақиятли ечиляпти. Бу ерда қадим-қадимдан касб-хунар ардоқланиб, авлоддан-авлодга мерос сифатида қолдирилган. На тажада кулоллар, чеварлар, этикдўзлар, тандирчилар сулоалари вужудга келган.

Энди бу қадимий анъана янада кенг тар-

40 дан, касбнинг 70 дан ортиқ тури бўйича ўқитиш ишлари ва амалий малака берилмоқда. Бошқа нодавлат ташкилотларида одамлар ойига 1000-2000 сўм тўлаб, касб-хунарга ўрганса, Меҳнат бошқармаси тизимидаги билимгоҳларда хунар ўрганаётган ёшларга ҳар ойда энг кам иш ҳақининг 75 фоизи миқдоридида стипендия тўлаб борилади. Уста хунарсандларга эса ҳар бир шогирд учун Республика Меҳнат вазирлигининг низоми асосида энг юқори малакали усталарга белгиланган иш ҳақининг 10 фоизи миқдоридида маош берилаёттир.

Ишсизларни хунарга ўргатибгина қолмай, уларни иш билан таъминлаш ҳам кафолатланади.

## ХУНАРНИ АСРАБОН НЕТГУМДИР...



моқ ёйиб, оила чегарасидан чиқиб, бутун маҳалла, қишлоқ аҳлини ўзига ром қиляпти. Андижоннинг Куйганёр маҳалласидаги дўппидўз Ўқтамхон опа, ҳаканлик рассом Шавкатбек Эргашев, Ёрбошидан бешиксоз Улуғбек Аҳмедов, хартумлик ганчкор Абдурахим Бобоевларнинг хонадони нафақат ўз болалари, балки 20-30 нафар маҳалла ёшлари билан ҳам гавжум.

Найман қишлоғида 25 мингга яқин аҳоли истиқомат қилади. Бу ердаги хунарсандларга Рўзихон Нуралиева сардор. Улар тайёрлаётган юмшоқ ва қаттиқ мебеллар пухта, чиройли ҳамда пишиқлиги учун ҳам харидорлар.

Хирабек қишлоғи Андижон туманининг чекка ва адирлик ерларида жойлашган. Бу ерда фуқароларнинг иш шароитини яхшилаш, янги ишчи ўринлари яратиш, ишсизларни ҳақ тўланадиган жамоат ишларига йўллаш борасида сидқидилдан ишлаётган Тожиҳон Қаҳҳорованинг фаолияти таҳсинга лойиқ. Яқинда Хўжаобод туманида аёлларни иш билан банд қилиш мақсадида тикувчилик устaxonаси очилди. Эндиликда бу ерда 800 нафар аёл меҳнат қилмоқда.

Таҳлиллар шуни кўрсатадики, ҳар йили ўрта мактабни битирган вилоят ёшларидан 4-4,5 минг нафари иш билан банд бўлмаётти.

Ўрта мактабни битириб, ўқишга кира олмай ёки иш топа олмаган ёшларни иш билан банд этишнинг самарали йўли -- уларни халқ хунарсандчилигини эгаллашга жалб этиш деб топилди. Бунинг учун катта маблағ сарфланадиган бинолар, дастгоҳлар, қимматбаҳо анжомлар зарур эмас. Битта иш жойи яратиш учун кетадиган маблағга 5-6 та хунарсанд тайёрлаш мумкин бўлади. Моҳир уста хунарсандларга ишсиз юрган ёшлар шогирдликка берилади. 3-6 ой давомида уларга касб-хунар ўргатилади, сўнг мустақил ишга йўлланма олишади.

Вилоятда миллий хунарсандчиликнинг

Айрим хунар турларини белгиланган 3-6 ой мобайнида тўлиқ эгаллаш имкони йўқлигини ҳисобга олиб, уста билан шартнома тузилади. Унда ўқиш муддати тугагач, шогирд устанинг ёнида қолиб, ўз малакасини ошириш, шогирд меҳнати учун эса республикада белгиланган энг кам иш ҳақи миқдоридида уста томонидан шогирдга маош бериш каби шартлар келишиб олинади.

Бундан кўринадики, вилоятдаги хунарсандлар миқдорини 2 бараварга орттириш учун камида 5-6 йил мобайнида ҳар йили 1,5-2 минг нафар беиш юрган ёшларни касб-хунарга ўргатиб бориш лозим бўлади.

Андижон вилояти Меҳнат бандлик ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш бошқармаси томонидан ёшларни миллий хунарсандчиликка ўргатиш борасидаги тажрибаларини эътиборга олиб, бошқарма қошида иш билан банд бўлмаган аҳолини касб-хунарга ўргатиш ва қайта ўқитиш билан шуғулланувчи Ўқув-услубий марказ тузилди.

Ҳозир бу Марказ туманлардаги меҳнат бўлимлари, ўқув юртлари, корхона ва ташкилотлар билан алоқа ўрнатиб, ишсиз мақомдаги ёшларни касб-хунарга ўргатишни ташкил қилади, ўқув гуруҳлари тузади, ўқитиши учун зарур назарий-амалий машғулот дастурлари, услубий қўлланмалар яратади, ишсизларга нафақа, ўрганувчиларга стипендия тўлашни назорат қилиб боради.

Андижон вилояти ҳокимлигининг қарорига асосан ўқув-услубий марказ хўжалик ҳисобига ўтказилган. Банк муассасаларида тегишли ҳисоб рақамига эга. Вилоят халқ таълими бошқармаси билан келишилган ҳолда замонавий ва ноёб касбларга ўқитиш ишлари олиб боришмоқда. Ҳозирги кунда Марказ йўлланмаси билан 35 киши Андижондаги машинасозлик лицейи қошида компьютерчи ҳисобчи касбининг ўрганмоқда.

Ш.РАҲИМОВА

Андижон вилояти ҳокимлиги меҳнат, бандлик ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш бошқармаси бош мутахассиси

## Ўзбекистон Республикаси Марказий банки хабар қилади

1999 йил 1 январидан бошлаб Европа ҳамжамияти мамлакатларида ягона валюта - «евро» муомалага киритилиши муносабати билан 1998 йил 31 декабрида Марказий Европа вақти билан соат 11.30 да 11 давлат миллий валютасининг ЭКЮга нисбатан айирбошлаш қиймати белгиланди. Ушбу қиймат миллий валюталарнинг «евро»га айирбошлаши яқунланганича сақланиб қолади. Еврохудуд таркибига Германия, Австрия, Финляндия, Испания, Бельгия, Ирландия, Италия, Франция, Люксембург, Голландия ва Португалия давлатлари кирди.

ЭКЮнинг «евро»га нисбатан айирбошлаш қиймати 1:1 қилиб белгиланди. Шу вақтдан бошлаб, Еврохудуд давлатлари миллий валюталарининг бошқа валюталарга нисбатан айирбошлаши фақат «евро» орқали амалга оширилади.

1998 йил 31 декабрь куни Еврохудуд давлатлари миллий валюталарининг «евро»га нисбатан айирбошлаш қиймати куйидагича бўлди:

- 1 ЕВРО - 1,95583 Германия маркаси;
- 1 ЕВРО - 6,55957 Франция франки;
- 1 ЕВРО - 1936,27 Италия лираси;
- 1 ЕВРО - 166,386 Испания песети;
- 1 ЕВРО - 200,482 Португалия эскудоси;
- 1 ЕВРО - 5,94573 Финляндия маркаси;
- 1 ЕВРО - 0,787564 Ирландия фунти;
- 1 ЕВРО - 40,3399 Бельгия франки /Люксембург франки;
- 1 ЕВРО - 2,20371 Голландия гульдени;
- 1 ЕВРО - 13,7603 Австрия шиллинги.

1998 йил 31 декабрида қайд қилинган валюталарнинг қиймати Европа комиссияси таклифи биноан Европа ҳамжамияти Кенгаши томонидан тасдиқланган.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Еврохудуд мамлакатлари миллий валюталарида бўладиган ҳисоб-китобларни энгиллаштириш мақсадида вақтинча Еврохудуд мамлакатлари миллий валюталарининг сўмга нисбатан ҳисобланган қийматини белгилаб боради.

Марказий банк  
Матбуот хизмати

## ЧИЗГИЛАРДА МАЪНО ЯШИРИН

Рассом халқи ўз орзу-армонларини чизган сувратларида акс эттиради. Улар ҳам барча ижодкорлар сингари изланувчан, куюнчак, бир сўз билан айтганда халқ дарди билан яшайдилар.

Сухбатдошим: Дилшод Омонов -- 21 ёшда, Чортоқ туманида туғилган, НамДУнинг Халқ амалий санъати бўлими 5-босқич талабаси. Иқтидорли, умидли рассом, изланувчан, ҳамшиша тиниб-тинчимаган, университетнинг обрўли талабаларидан бири. Оилада уч ўғилнинг каттаси. Ажойиб пазанда, тузуккина кўшиқчи, таклидчи. Нияти -- аёллар йилида онасини уй юмушларидан озод қилиш учун уйланиш.

-- Дилшодбек, нима учун ижод қиласиз?

-- Биласизми, ижод қилсам яйрайман, енгил тортаман. Юрагим бўшагандек бўлади. Айтолмаган гапларимни чизган сувратларимда беришга ҳаракат қиламан.

-- Ижодингизни томоша қилаётган мухлисларингиз нималарни ҳис этишини хоҳлардингиз?

-- Расм чизишдан аввал, албатта, ниманидир мақсад қиласиз. Кимлардир ичингизни тушунишни хоҳлайсиз, қалбдаги пардаларни қоғозга туширасиз. Мухлисларим бўлса, ана шуларга бефарқ бўлмай, оз бўлсада, оддий чизги тагида ҳам асл маъно яширинлигини ва уни илғаб олишларини истардим. Асосийси, ҳар бир нарсанга синчков бўлишсин.

-- "Ўзгаллик оламни кутқаради"ми?

-- Одам шундай: Чиройли нарсани, чиройли чехрали қизни кўрса кайфияти хуш бўлади. Сиз ҳам нималарнидир қилгингиз, табиатни кўркамлаштиргингиз келади. Шаҳримизнинг гўзаллиги, унинг янада ободонлаштирилаётганлиги-чи... Ҳаммаси инсонларнинг яхши яшаши, гўзалликдан баҳра олишлари учун. Биз яратаётган асарлар ҳам гўзаллик намуналари, улар ҳам кимларнидир дилига малҳам бўла олса, шу бизнинг ютуғимиз. Нафақат гўзаллик оламни балки одамни ҳам кутқаради.

-- Ҳаётингизга маъно бахш этиб турувчи,

### Иқтидорлилар — юрт бахти

ижодга ундовчи омил нимада?

-- Саволингиз қийин экан, ҳаётимга ҳозир талабалик саргузаштлари маъно бериб туради. Ижодни эса, баъзан ихтиёр билан, гоҳида мажбуран (яъни буюртма учун) қиламан.

-- Бўш вақтингизни қандай ўтказасиз?

-- Кўшиқ айтаман, овозларга таклид қилишни ёқтираман. Университет тадбирларига иштирок этаман. Мазмунли дам олишга ҳаракат қиламан.

-- Шу ўринда устозларингиз ҳақида...

-- Бахтиёр Эргашев, Ботир Жабборов, Бадриддин Орипов ва шу соҳада дарс бераётганларнинг барчаларини устоз деб биламан.

-- Ҳаётдаги бахтингизни нимада деб

уйлайсиз?

-- Шукрки, ота-онам ёнимда ёндош, қизиққан соҳамни эгалладим, қолаверса инсон бахт сари ўзи қадам ташлайди.

-- Руҳан қийналган пайтларингизда нима билан овунасиз?

-- Шу қийноққа сабаб бўлган ҳолатни қоғозга тушириш билан овора бўламан. Яқин одамларим билан диллашсам юрагим ёзилади.

-- Ҳозирча талабасиз, келажакингизни қандай тасаввур этасиз?

-- Буюк бўлмасада таниқли рассом бўлиш. Ширингина оила қуриб, яхши умр кечириш.

-- Муҳаббатга ишонасизми?

-- Ҳаммаинг муҳаббат борлигига ишонини хоҳлайман.

Дилшодбек чизган асарларни кўздан кечираркансиз, истъодли, қобилиятли рассом бўлиб етишяётганини тан олмай иложингиз йўқ. Унинг "Табиат", "Жангчи йигит ноласи", "Ўзгаллик" ва бир қатор портрет жанрида чизилган асарлари гоҳта юксак дид, нафис санъат соҳиби эканлигидан дарак бериб туради.

Ўзгаллик яратилиш учун ҳам кишида авваламбор, гўзал қалб, муҳаббатга ошно юрак бўлиши лозим. Булар эса инсонни эзгулик сари етаклайди. Бизнинг суҳбатдошимизда эса, булар старли даражада.

НамДУ талабаси  
Зулфия ҲОЖАБЕКОВА  
суҳбатлашди.

## "МЕНГА ВОРОНЕЖДАН СОВЧИ КЕЛДИ", —

дейди Хоразм  
телевидениесининг  
муҳаррири Муборакхон  
АБДУЛЛАЕВА

-- Ўрусиялик совчилар сиздай гўзал хонимнинг дарагини қаердан эшитишибди?

-- Э, сўраманг, ойнаи жаҳон дастурида намойиш этилган аллақайси концерт дастурида бошловчилик қилган эдим. Ундан нусха кўчириб олган хоразмлик савдогарлар Воронежга борсак эшитиб ётамиз, деб у ёққа опкетишган экан. Уларга ўз уйини ижарага берган Вадим исмли йигит экан, видеокассетада мени кўриб "ошику беқарор" бўлиб қолибди. Шу қизга уйланаман, деб турволибди. Урганчлик тожирлар уни отаси билан бирга юртимизга бошлаб кепти.

-- Қалай, ўрис йигит сизга ёқдими?

-- Тўғриси, ёқди. Дунёқараши кенг, замонавий йигит экан. Дунёнинг кўп мамлакатларида бўлган, топарман-тутармонлиги билиниб турарди. Ёши 29 да бўлишига қарамасдан катта бир идоранинг бошлиғи.

-- Турмушга чиқишга розилик бердингизми?

-- Йўқ. Вадим менинг орзуларимдаги йигит бўлса-да, Россияга кетишни хоҳламадим. Ҳозир ҳаётнинг борики лаззатларини бу бойвачча йигит ҳомийлигида тотиб яшасам-да, пайти келиб, Ватан тупроғига зор бўламан. Миллатимдан, халқимдан узоқлашаман. Қисқаси, бойми-камбағалми ўзимизнинг ўзбеклардан айирмасин!

Эрпўлат БАХТ  
суҳбатлашди.

## АНЪАНАВИЙ КЎРГАЗМА

Ўзбекистон Бадий академияси республика рассомлик коллежида «Рассом ва табиат» деб номланган анъанавий кўргазма очилди.

Янги йил байрами арафасида ташкил этилган ва Бадий академия ижодкорлар уюшмаси аъзоларининг ўзига хос ҳисоботига айланган бу кўргазмада ўттиз нафар рассомнинг табиат мавзудаги икки юздан ортиқ асари намойиш этилмоқда.

Ўзбекистон халқ рассомлари Рўзи Чориев, Жавлон Умарбеков каби таниқли мўйқалам усталари билан бирга кўпгина ёш ижодкорларнинг пурвиқор тоғлар, гулларга бурканган боғлар, зилол чашмалар, майсаларга қопланган қир-адирлар, ҳайвонот оламини тасвирловчи асарлари санъат мухлисарида катта қизиқиш уйғотмоқда.

## ЎҚУВЧИ БАСТАКОРЛАР ТАНЛОВИ

Мухтор Ашрафий номидаги Тошкент Давлат консерваториясида ўқувчи бастакорлар танлови бўлиб ўтди. Унда Ҳамза номидаги республика мусиқа билим юртининг бастакорликка ҳавас қўйган ва бу борада дастлабки муваффақиятларни қўлга киритган йигирма нафар ўқувчиси қатнашди. Ёш истъод эгалари ўз маҳоратларини турли жанрларда яратилган куй ва замонавий ўзбек шопирлари шеърларига басталанган кўшиқларда намойиш этди. Танлов якунига кура Ойдин Раҳимова «Кўёшдай қулибдур» кўшиғи ва «Тошкент оқшони» романси, Лея Витковская «Шаҳар чеккасида» кўшиғи учун биринчи ўринга сазовор бўлди.

## ЁШЛАР КОНЦЕРТИ

Ўзбекистон Бастакорлар уюшмаси иқтидорли ёшларни аниқлаш ва уларнинг маҳоратини тарғиб этиш бўйича кўпгина ибратли ишларни амалга оширмоқда. Куни кеча уюшма залида ўтказилган классик мусиқа концерти ҳам ана шундай тадбирлардан бири бўлди.

Концертда пойтахтдаги санъат ўқув юртинининг иқтидорли талабалари иштирок этди. Улар орасида Суннат Иброҳимов, Беҳзод Абдуллаев, Лола Астанова, Алия Рисалиева каби ёш созандалар - республика ва халқаро танловларнинг лауреатлари бор. Уларнинг фортепиано, виолончель, скрипкада ижро этган асарлари мухлисарида катта қизиқиш уйғотди.

М.ОДИЛОВА /ЎЗА/

## Диққат танлов! Диққат танлов!

БИРИНЧИ МУКОФОТ -  
20 /йигирма/ баравари микдорида  
ИККИНЧИ МУКОФОТ -  
15 /ўн беш/ баравари микдорида  
УЧИНЧИ МУКОФОТ -  
10 /ўн/ баравари микдорида

## ЭЛ-ЮРТ ОСОЙИШТАЛИГИ ҲИМОЯСИДА

Хурматли муштарийлар, Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар Вазирлиги ва ИИВнинг Бирлашган тахририяти ички ишлар идоралари ходимларининг хизмат фаолиятини тўлақонли ёритиш, ютуқларини тарғиб қилиш, уларнинг обрў-эътиборини ошириш ва халқ билан алоқасини мустаҳкамлаш, ходимларнинг маънавий дунёсини, уларнинг хизмат бурчига содиқлиги, олий мақсадлар йўлида фидойилик кўрсатишга тайёрлигини матбуот саҳифаларида ёритиб бориш мақсадида энг яхши ҳикоя, шеър, очерк, сурат жанрлари бўйича "Эл-юрт осойишталиги ҳимоясида" танловини эълон қилади.

Танловга жиноятчиликка қарши кураш, унинг олдини олиш, фуқароларнинг қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш йўлида жасорат, мардлик, фидойилик ва садоқат намуналарини кўрсатаётган ички ишлар идоралари ходимлари ҳақида ҳикоя қилувчи бадий асарлар тақдим этилиши кўзда тутилган.

Танловда ҳикоя, шеър, очерк, сурат жанрлари бўйича голиб деб топилганлар учун мукофотлар ҳар бир жанр бўйича алоҳида танлов ўтказилаётган пайтдаги Ўзбекистон Республикасида ўрнатилган энг кам микдордаги ойлик маошининг куйидагича микдорида белгиланди:

Танловга юборилаётган асарлар ёзув машинкасида уч интервалда кўчирилган бўлиши

шарт. Кўлёмалар қабул қилинмайди. Танлов йил охирида яқунланади.

Танловга юборилаётган асарлар Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар Вазирлиги Бирлашган тахририятининг «Постда», «На посту» газеталари, «Qalqon», «Шит» журналларида «Эл-юрт осойишталиги ҳимоясида» руқни остида бериб борилади.

Манзилимиз: 700029, Тошкент шаҳар, Юнус  
Раҳабий

Кўчаси 1-уй, Ўзбекистон Республикаси Ички  
ишлар Вазирлиги Бирлашган тахририяти.

Тел: 139-70-40, 139-77-23.

## АЁЛ МЕҲНАТИ КАФОЛАТИ

Ўзбекистонда хотин-қизлар меҳнати муҳофазасига оид муштарийлар саволларига ҳуқуқшунос С.Аҳмедов жавоб беради:

**Қ.Расулов.** Турмуш ўртоғим фабрикага ишга кирмоқчи эди. Бироқ корхона раҳбари хотинимнинг оғироеқлигини баҳона қилиб, ишга олмаяпти.

**Жавоб:** Ўзбекистон Республикаси Меҳнат Кодексининг 224-моддасига мувофиқ ҳомиладорлиги ёки боласи борлиги сабабли аёлларни ишга қабул қилишни рад этиш ёки уларнинг иш ҳақини камайтириш таъқиқланади. Ҳомиладор ёки уч ёшга тўлмаган боласи бор аёлни ишга қабул қилиш рад этилган тақдирда иш берувчи рад этишнинг сабабларини уларга ёзма равишда маълум қилиши шарт. Мазкур шахсларни ишга қабул қилишни рад этганлик устидан судга шикоят этишининг мумкин.

**Р. Ҳалимова.** Мен илмий тадқиқот институтида ишлайман. Ўн ёшли ўғлим мактабда ўқийди. Шунга қарамай, ишхонамиздан мени узоқ вилоятга хизмат сафарига юборишмоқчи. Менинг бу ҳақдаги норозилигимни институт раҳбари эшиттиси ҳам келмаяпти.

**Жавоб:** Институт раҳбарияти Сизга нисбатан нотўғри иш тутган. Амалдаги қонун (Меҳнат Кодексининг 228-моддаси)га кўра ўн тўрт ёшга тўлмаган болалари

бор аёлларни уларнинг розилигисиз хизмат сафарига юборилишига йўл қўйилмайди. Шунингдек, ҳомиладорлар ва ўн тўрт ёшга тўлмаган боласи ёки ўн олти ёшга тўлмаган ногирон фарзанди бор аёлларни уларнинг хоҳишларисиз тунги ишларга, иш вақтидан ташқари дам олиш кунларидаги юмушларга жалб қилишга ҳам йўл қўйилмайди.

Шу билан бирга ҳомиладор аёлларни тунги ишларга жалб қилишга бундай иш она ва боланинг соғлиги учун хавф туғдирмаслигини тасдиқловчи тиббий хулоса бўлган тақдирдагина йўл қўйилади.

**С.Неъматова.** Мен фарзандимни парваришlash учун икки йил таътилда бўлдим. Оилавий шароитимга кўра яна бир йил ишга чиқа олмайман. Ишхонамизда бошлиқларим учинчи йил учун таътил беришмаяпти.

**Жавоб:** Меҳнат Кодексининг 234-моддасига мувофиқ сиз болангиз уч ёшга тўлгунча қадар иш ҳақи сақланмайдиган қўшимча таътил олишингиз мумкин. Бундай таътидан боланинг отаси, бувиси, буваси ёки болани амалда парваришлайётган бошқа қариндошлари ҳам тўлиқ ёки уни қисмларга бўлиб фойдаланишлари мумкин.

Болани парваришlash таътиллари даврида аёлнинг иш жойи (лавозими) сақланади.

Бу таътиллار меҳнат стажига, шу жумладан, мутахассислиги бўйича иш стажига ҳам қўшилади.

Бундай таътиллarning вақти, башарти жамоа шартномасида, корхонанинг бошқа ҳужжатларида ёхуд меҳнат шартномасида ўзгача ҳол назарда тутилмаган бўлса, кейинги ҳақ тўланадиган йиллик таътил олиш ҳуқуқини берадиган иш стажига қўшилмайди.

**А.Собиров.** Гўдак боласи бор аёлларга фарзандларини овқатлантиришлари учун махсус танаффус белгиланган деб эшитдим. Шу тўғрими?

**Жавоб:** Меҳнат Кодексининг 236-моддасига асосан икки ёшга тўлмаган боласи бор аёлларга, дам олиш ва овқатланишга бериладиган танаффусдан ташқари, фарзандини овқатлантириши учун қўшимча танаффуслар ҳам кўзда тутилган. Бу танаффуслар камида ҳар уч соатда бир марта, ҳар бири ўттиз дақиқадан кам бўлмаган муддат билан берилади. Икки ёшга тўлмаган икки ва ундан ортиқ боласи бўлган тақдирда, танаффуснинг муддати камида бир соат қилиб белгиланади.

Болани овқатлантириш учун бериладиган танаффуслар иш вақтига киритилади ва ўртача



ойлик ҳақи ҳисоби бўйича ҳақ тўланади.

Боласи бор аёлнинг хоҳишига кўра, бундай танаффуслар дам олиш ва овқатланиш учун белгиланган танаффусга қўшиб берилиши ёки умумлаштириб иш кунининг (сменасининг) бошига ёки охирига кўчирилиб иш кунини (сменаси) шунга яраша

қисқартирилиши мумкин.

Бундай танаффусларнинг муддати ва уларни бериш тартиби жамоа шартномасида ёки иш берувчи ва касаба уюшма қўмитаси ёхуд ходимларнинг бошқа вакиллик органи билан келишиб белгилаб қўйилади.

Ҳа, одатда аёлларимиз дастурхон безашга, турли хил пишириқлар тайёрлашга ниҳоятда ўч бўлишади. Айниқса, байрам кунлари ота-онаси, ёнгики сеvimли ёри, ширин-шакар фарзандларининг юзларига табассум, қалбига шодлик бахш этишга интилади.

Лекин афсуски, ҳаммининг ҳам ҳаёти шундай кечавермас экан.

Биз аёллар қамоқхонасидамыз. Махбус ҳаёти, озодлик қадр... Қаршимизда билиб билмай жиноятга қўл урган турли ёшдаги аёллар, дардли кўзлар.

Махбуслар билан гурунглашамиз. Дастлабки суҳбатдошимиз Сожида ва Танзила бўлди. Ўн йил муддатга озодликдан маҳрум этилган, эндигина бир йилини ўтаган, ўн гулидан бир гули ҳам очилмаган, 27 ёшли Сожидадан бу кўйга тушиб қолиши боисини сўрадим.

-- Ҳаммасига энди тушундим. Ҳар нарсанинг ҳисоб-китоби борлигига амин бўлдим, -- дейди у. -- Оқибатини ўйламасдан қилган ишларим, кимлар биландир тил бириктириб уй-жой олди-сотди ишларида фирибгарликка йўл қўйганлигим, "мижоз"ларимдан олган пулларни қайтариб беришни ўйламасдан, беҳудага совурганлигим ва яна уларга ҳар хил таътиқлар ўтказганлигим сабабли жазоимни олаётиман.

Танзила опа мунгли кўзларини бир сония ҳам ердан узолмайди. У ўз қилмиши туфайли 4 нафар фарзанди-ю невараларининг орзу-ҳавасларини кўришдан маҳрум бўлган.

-- Нима етмас эди менга, ёнимда суюкли эрим, атрофимда фарзандларим, қолаверса, обрўли ташкилотнинг раҳбари эдим... Адашдим, қаттиқ адашдим. Шу қургур гиёҳвандлик моддаси мени адои-тамом қилди. Бутун умримни чилпарчин этди, -- дея йўғлайди. Охириги пушаймон ўзига душманлигини ҳис этган, соңларига оқ оралаган она.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг олти йиллиги муносабати билан амнистия тўғрисидаги Президент Фармонида мувофиқ амнистияга тушган махбуслар билан суҳбатлашамиз. Деярли бир хил кийим кийган аёллар. Уларнинг орасида ўзимни ўнғайсиз сездим. Чунки менга атрофимдаги махбусларнинг қайсисидир ўқрайиб, кимдир дардли, яна бири мунгли тикилиб турарди. Ҳаёл мени узоқ-узоқларга етаклади. Улар ўтирган қора курсига бошқа ҳеч қандай оналаримиз, аёлларимиз, опа-сингилларимиз



махбусларнинг барчаси ўзлари содир этган ишларидан ниҳоятда пушаймонлигини, ҳеч кимнинг бошига бундай кунлар тушмаслигини, озодликнинг қадрини нақадар қимматлигини кўзларида ёш билан гапирдилар.

-- Эсиз тўрт йиллик умрим, ҳазонга айланган турмушим, -- дея зорланади Моҳира Қ. -- Ҳеч кимнинг бошига бу кўйни солмасин экан, акс ҳолда унинг у етказган доғни кўтариш жуда ҳам оғир бўлади. Юртбошимизга минг минг раҳмат. Ўз мурувватларини биздан ҳам дариг тутмадилар. Маана мен

утирмаслигини Аллоҳдан сўрадим. Ахир улар ҳам бировнинг меҳрибон онаси, суюкли фарзанди, сеvimли ёри, эркатой қизи, дилбар уй бекаси бўлишга ҳақли-ку. Афсуски, бундай бўлмади. Ножўя қилмишлари туфайли қамоқхона махбусига айланишди.

Қисмати ҳар хил аёллар. Ўғрилиқ, чўнтакчесарлик, давлат ёки жамоат мулкнинг кўп миқдорда талон-тарож қилганлиги, таъмағирлик, фирибгарлик, бировга тан жароҳати етказганлиги, фоҳишалик, қўшмачилик билан машғул бўлган, бир инсон умрини ҳазон қилганлиги оқибатида боши эгилган, ўйламасдан қадам босган, алданган ва кимларнидир алдамоқчи бўлган аёллар. Улар билан суҳбатлашамиз. Турмуш ўртоғига тан жароҳати етказган Моҳира Қ., ўзини ўзи ҳимоя қилиши оқибатида бировни мажруҳ этган Карима Э., жиноятни ўз кўзи билан кўриб, била туриб уни яширган Галина В. ва бошқа

ҳам амнистия хусусидаги Фармон туфайли муддатдан илгари озодликка чиқиш бахтига муяссар бўлдим. Лекин мени бир нарса қийнамоқда. У ҳам бўлса ота-онам-у қариндош-уруғларим юзига энди қандай қарайман?

Мен аввалига унинг жиноятчи эканлигига сира ишонгим келмади. Ундан бу жойга келиб қолиши боисини сўраганимдан кейингина адашганлигимга иқрор бўлдим. Шарофат қилмишига яраша жазосини олибди. Йигирма етти ёшида бу аёл хорижликлар билан ноқонуний равишда савдотик қилганлиги, ҳеч қандай лицензиясиз тижорат ишлари билан машғул бўлганлиги ва давлат ҳужжатларини қалбакилаштирганлиги туфайли 5 йилу 9 ойга қамалган экан. Чехраси сўлгин бу аёл қамоқхонада ўтажак ҳар бир кунини эмас, ҳатто дақиқасини ҳам санаб яшаётганлигини, усиз не кунларда, не жойларда юрган уч нафар фарзандларини бағрига босадиган он-

ларнинг тезроқ келишини орзиқиб кутаётганлигини, қилмиши туфайли турмуш ўртоғидан ҳам ажралганлигини, ота-онаси олдида юзи шувут бўлганлигини кўзида ёш билан гапирди.

Қамоқхонада махбусларнинг кўнгилли хордиқ чиқаришлари учун шароит етарли, ҳар кўни уч маҳал иссиқ овқат, кийим-бош берилади. Тарбиявий ишлар яхши йўлга қўйилган, турли хил тadbирлар ўтказиб турилади. Фақат...

Ўйланиб қоласан киши. Баъзан аёлларимизнинг жиноят кўчасига кириб қолишида биз эркаклар ҳам сабабчи бўлмаяпмизми? Халқимизда ётиб еганга тоғ ҳам чидамайди, деган нақл бор. Орамизда ётиб ейишни ўзи учун оддий ҳол деб биладиган эркакларнинг йўқлигини ким инкор этади. Ахир поездма-поезд, самолётма-самолёт юрган аёлларимизнинг турмуш ўртоқлари қаерда?

Шарқда аёл зоти қадимдан жуда эъзозланади. Куръони карим, Ҳадиси шарифда ҳам аёлнинг муқаддаслиги, буюклиги ҳақида, уни асраб авайлашимиз лозимлиги хусусида битилган. Айниқса, ўзбек халқида аёлга нисбатан меҳр-муҳаббат, ҳурмат-эҳтиром ифори ўзгача. Бунини Юртбошимизнинг жорий йили Аёллар йили дея эълон қилганларидан ҳам билсак бўлади. Ҳа, Аёлларимизни ҳар қанча улуғласак ҳам, уларга бутун умримизни бахшида этсак ҳам арзийди. Чунки, Аёл -- ҳаёт, етти иқлим, етти фалакда ундан буюк инсонни топиб бўлмайди. Шундай экан, аёлларимиз бу номга ҳеч қачон доғ туширмаслиги, эркаклар АЁЛ деган номнинг муқаддаслигини теран англамоғи, у зоти мукаррамани кўз қорачиғидек асрамоғини ҳам фарз, ҳам қарз деб ҳисоблаймиз.

Рўзибой АЗИМ,  
"Туркистон" мухбири

# СЎЗ КУШИШ ШУРАРДИ КЎНГИМ...

У маҳалда газета таҳририятида иш-ламас эдим. Газетага берган шеърларимнинг тақдирини билиш учун йўлга чиқдим. Нега беришмаяпти экан, анча вақт бўлдику. Ёки... Маъкул дейишганди-ку... Нима қилсам экан?... Бу хаёлда кетяпман-у, бироқ ўз одатимни тарк этмадим. Кўкалдош мадрасаси ёнидаги эски китоблар дўконига бурилдим. Жавонлардаги эски китобларнинг ҳаммасини бирма-бир қўлдан ўтказдим. Бир-иккита асил китоб танладим. Бу хазинанинг ичида икки соатдан кўпроқ вақт сарфладим. Топган бойлигимни қўлтиқлаб, троллейбусга чиқдим. Орқадаги бўш жойга ўтириб, китобларни катта мамнуният билан варақдай бошладим. Беихтиёр кимнингдир менга тикилиб турганини сездим. Бошимни кўтариб қарасам, Равшан ака жилмайиб турибди. Дархол ўрнимдан туриб, у кишига жой бўшатдим. Ўтирмайман деди. Қўлимдаги китобларни кўрди. Ойнадан кўчага боққанча гаплашиб кетдик. Мен ўз дарду ҳолимни арз этдим.

-- Парво қилма, энг муҳими, ёзясанми, бўлди. Ёзавер, шошилма, бир кунни чиқади.

Мен у кишидан нега анчадан буён матбуотда кўринмаётганини сўрадим.

-- Шеърларимни газеталарга беришга қизиқмай кўйдим...

Мен унинг бу сўзларини хафсаласизликка йўйдим. Ҳозир қаерда ишлаётганини сўрадим.

-- Ҳеч қаерда ишламаяпман, - деди у.

Равшан Файзнинг ушбу ҳолати, гаплари, қарашлари дунёдан қўл силкиган дарвешга ўхшар эди. Гуё ҳамма нарса-

га бефарқ, бепарво...

Йўқ, аслида бундай эмас эди. Аслида Равшан Файз дунёнинг кирдикорларини шеърларида фош этаётган эди. Нима бўлса ҳам ёзаётган эди. Аслида мен билан гаплашиб турган шу ҳолатда бус-бутун бир китоб тузиб кўйган эди Равшан ака.

Амир Темур хиёбонига етганимизда равшан акага қарадим.

-- Кетдик, тушамиз.

-- Йўқ. Мен вокзалга кетаяпман, бировни кузатишим керак...

Биз шундай хайрландик. Равшан ака менга ниманидир айтмоқчидай, мен эса ниманидир англамай қолгандай эдим...

Бир ҳафта ўтар ўтмас бу асрор аён бўлди. Бизнинг ушбу учрашувимиз сўнгги учрашувимиз экан.

Мен йўлда тушиб қолдим, Равшан ака вокзалга кетди.

Равшан Файзнинг "Кимларни кузатдим поездга" шеърини ўқиганимда бизнинг ўша учрашувимиз ёдимга тушаверади.

**Кимларни кузатдим поездга**

**Минг марта юрагим ялинди менга,**

**Худони зорини қилди кўп кўнглим.**

**Мен эса шу буюк хоҳишни енга**

**Таниш-билишларнинг**

шартига кўндим.

Кимларни поездга кузатдим минг бор, Кимни кутиб олдим қўналгаларда.

Қачон кетиб бўлди, ё раббий баҳор.

**Кўз ҳам кириб кепти қачон шаҳарга.**

**Қишлоққа кетдик деб йиғлаб юрагим**

**Қавоғимга қараб кун сайин селдир**

Мен эса ўй суриб ўтирибман жим:

**«Атайлаб кўргани келмайди кимдир...»**

**Келганинг барига маёқман ё раб,**

**Кутиб кузатаман шому саҳарда**

**Айтинг не бўларди биров атайлаб,**

**Ҳол сўраб кўргани келса бир марта...**

Ҳа, ўша дамда Равшан Файз хохири

кўнглининг хоҳишига кирган эди. У

қишлоғига кетди. Фақат поездга эмас, но-

маълум йўловчи машинада бемаҳал кет-

ди. Буни ҳеч ким кўрмай қолди, билмай

қолди...

Мана, яна қиш. Яна бир тутли кун-

лар Равшан Файз қирққа чиққан бўлар

эди. Янги йилнинг биринчи кунда та-

валлуд топганди.

Бугун унинг ўзининг кўнглини

сўрамасак-да, бола-

ларининг кўнглини сўраймиз. Уларни

дадаларининг туғилган кунини билан

табриклаймиз. Зеро, Равшан Файздай

шоир ҳар доим ҳам дунёга келавермай-

ди.

**Рустам МУСУРМОН**

## ДАДАМЛАЙДИ ЮЛДУЗ, ФИРДАВС, ЧАРОСИМ

Яхши инсондан қолган хотиралар кишига қандайдир илоҳий куч ва таскин бағишлайди. Раҳматли қўли гул, кўнгли тоза, диди нозик, уйим-жойим дейдиган инсон эди. Биз у киши билан турмуш қургандан кейин 8 йилгина бирга яшадик. 3 та фарзандимиз бор: Юлдуз, Чарос, Фирдавс. Фарзандларини жуда яхши кўраб, ер-у кўкка ишонмасди. Шунинг учун бўлса керак, бир кунни ҳам "дадам" деган сўз хонадонимизда айтилмай қолмайди. Чарос қизим дадасининг ғирт ўзи; характеридан тортиб юз тузилишигача.

Фарзандимнинг каттаси 8 ёш, кичиги 5 ёш бўлсада, шеърятни жуда қадрлашади. Дадасининг шеърларини ифодали ўқийди.

Хонадонимиздаги ҳар бир нарсая кишини эслатади. Китоб жавонидидаги китоблардан, ёзув машинкасидадан фойдалансак, албатта, у киши қаерга, қандай кўйган бўлса, ўша жойга кўйишга ҳаракат қиламиз. Чунки орадан 3,5 йил ўтсада у киши Бизларни бутунлай ташлаб кетганларига сира ҳам ишонгимиз келмайди. Бизлар учун ҳаминша тирикдай. Ҳозир ҳаёт бўлганларига роппароса 40 ёшга тўлган бўлардилар.

Равшан ака ҳаётлик чоғида "Кел, эй кўнглим" деб номланган шеърини тўплам тайёрлаган, аммо нашриётга топширишга улгурмаган эдилар. Мана китоб босмахонадан чиқиб, шеърят мухлислари кўлига етиб борди. Зора шоирнинг руҳи шод бўлган бўлса.

**Жамила ТЕМИРОВА**

### КЕЛДИМ

*Ой нуридай милён йил оқдим,  
Сўнг кўзда ёш, кукайимда куй  
Сенинг темир дарвозанг қоқдим:  
Йўлимга чиқ, қўлимга сув қуй.*

*Мен бор-йўғи битта меҳмонман,  
Сен-да мезбон бўлмоққа яра:  
Эртаю кеч кулиб юр, шўх-шан,  
Қадримга ет, кўнглимга қара.*

*Кечалари сизмай ўзимга  
Кўп сиқилиб кетаяпман, о.  
Мўъжизага чанқоқ кўзимга  
Мақтангулик ниманг бор, дунё?*

*Кийдир, тўйдир ва гоҳ-гоҳида  
Айтиб бергин бир ғазал ё шеър.  
Тинглмасам койима, чида,  
Тилинг тишла, шайтонга ҳай бер.*

*Хато қилсам, қўл силтаб қую  
Сибирларда бермагил жазо:  
Сен шу қадар муқаддас, мангу,  
Мен -- беш кунлик меҳмонман, дунё!*

### АЁЛ

*Куя-куя кунчил ёсуман  
Ўртамизда бўлганда туман,  
Сени яхши кўрдим, бари бир,  
Сумбул сочли эй ширин суҳан.*

*Юзингни тўсганда паранжи,  
Бари бир, хоҳ ранжима-ранжи,  
Сени яхши кўриб юрдим мен,  
Эй гулларнинг гавҳари, ганжи.*

*Тун кўйида йилт этган бир шам  
Умидимга бўлмаса ҳам шан,  
Сени яна яхши кўрдим-ей,  
Менинг кўзим кун каби равшан.*

*Аммо ҳеч боқмайсан чақирсам,  
Ё овозим етмайми, жимсан.  
Сени ҳамон яхши кўргумдир,  
Сен шу қадар кўзга яқинсан.*

*Етгудайсан қўлим чўзсам, о,  
Бунга қайдин куч топай аммо.  
Сени жуда яхши кўраман,  
Эй заминда қолган хурлиқо.*

*Нега ҳолимни ҳеч сўмайсан,  
Кўзимга боқиб соч ўрмайсан.  
Сени яхши кўраман мудом,  
Сен-чи, мени асло кўрмайсан.*



### АЙРИЛИК

*Энди кўз ёшимдан сулувроқ сой йўқ.  
Бу кўйган кўнглимни кўйгани жой йўқ.  
Боқсам, бошим узра қуёш йўқ, ой йўқ,  
Осмонимдан айрилдим,  
Осмонимдан айрилдим.*

*Ёғийлар ёғдирган ўқлар жонимда,  
Минг йиллик миннат бор еган номимда,  
Афсуслар, аламлар оқар қонимда,*

### Армон

*Посбонимдан айрилдим,  
Посбонимдан айрилдим.*

*Худойим, асрагил ўзинг ҳар кимни,  
Кўз ели битталаб юлар баргимни.  
Не қилай кўксимга сизмас дардимни,  
Ғамғусоримдан айрилдим,  
Ғамғусоримдан айрилдим.*

*Муҳаббат, шу кеча ёнингда кетай,  
Сўнг бир умр хотир, ёдингда кетай,  
Майли фарёдингда, додингда кетай,  
Гулзоримдан айрилдим,  
Гулзоримдан айрилдим.*

### ТАЙЁРМАН...

*Тайёрман, кел энди қўлларингни бер.  
Ўрликми, жарликми кетавергум тик.  
Мабода йиқилсам кўтаради ер  
Ва ўттиз уч йиллик куч, тайёргарлик.*

*Тайёрман. Кел, энди йўл кўрсат қани,  
Кетаман ортиқча бирон гап қилмай.  
Сен билан юрмакдан бордир деб маъни,  
Мана, мен турибман шамол каби шай.*

*Тайёрман. Кел, энди эгарла отини  
Сўнг бошлагин бошинг оққан томонга.  
Тинглаб тўймадингми, бу жўн баётини,  
Юр, кетдик янги қор ёққан томонга.*

\*\*\*

*Гулга кирган боғларим қолди,  
Қирчиллама чоғларим қолди,  
Талқон бўлмай тоғларим қолди,  
Мен ёшликни тарк этиб кетдим.*

*Ишқ келдими, қийнади бир сир,  
Шул сезимга бўлмай деб асир,  
Қўл силтадим барига басир,  
Мен ёшликни тарк этиб кетдим.*

*Кўнглимни ҳеч этмадим бозор,  
Суйганимга бермадим озор.  
Мажнун мисол бўлмасдан хор-зор  
Мен ёшликни тарк этиб кетдим.*

*Юрагимни рашкларда ёқиб,  
Тоҳир каби юрмай деб оқиб  
Толемга этагим қоқиб,  
Мен ёшликни тарк этиб кетдим.*

*Гул фаслида қолмагай дунё.  
Хайр, Лайли, алвидо, Зухро.  
Ёшлик мени тарк этмай илло,  
Мен ёшликни тарк этиб кетдим.*

\*\*\*

*Сени деб билмасман тиним нима ул  
Тежаб-тергаганим сеники буткул.*

*Юрагимни ютиб топганим сенга,  
Тийини-тийинга уриб топганим сенга.*

*Боболарим ётган ерларим қолар,  
Шамоллар шовири -- шеърларим қолар.*

*Узилган кунидан насибам, номим  
Сенгадир шеър ёзиб орттирган номим,*

*То умр ўткинчи экан -- нетарман,  
Эртами-кеч барин ташлаб кетарман.*

*Кетарман тупроққа тенг бўлиб, илло  
Бу-чи парвойингдан келмайди аммо.*

*Боиси, сен ўжар боламсан дунё.  
Бўғзимга сизмаган поламсан, дунё.*

*Зорларни билмаган зolim, зўримсан,  
Дунё, сен энг эрка меросхўримсан.*

## Шароф БОШБЕКОВ: "ЧАРХПАЛАК"НИ ЧУЗМОҚЧИ ЭМАСМАН



"Чархпалак" телесериали муаллифи, таниқли драматург Шароф Бошбеков билан суҳбат.

-- Шароф ака, драматургия соҳасига қандай кириб келгансиз?

-- Мен адабиётга бир мунча кеч келдим. Олий ўқув юртини тамомлагач, "Гулистон" театрини ташкил қилдик. Театрда ишлаб юрган пайтларимда кўплаб образлар яратишга му-

ваффақ бўлдим. Ниятим ҳам актёр, ҳам ёзувчи бўлиш эди. Лекин бу иккала юкни бирга кўтариш оғирлик қилар экан. "Тақдир эшиги" номли биринчи асаримни ёзгач, тамомила қалам тебратишга ўтиб кетдим. Аввалдан қалам чархлаб юрган имдамни, "ўтиш" унчалик мураккаб бўлмади. Аминманки, тўғри йўлни танлаган эканман.

-- "Чархпалак" асарингиз минглаб томошабинларга манзур бўлгани билан табриклайман. Нега асарингиз "Чархпалак" деб номланган.

-- Асарни "Чархпалак" дейишимнинг сабаби сир-синаотга тўла дунё ишлари, турфа хил тақдирлардир. Биламизки, тун кетидан кун чиқади, яхши-ёмон кунлар айланиб келаверади. Буларнинг барчасини чархпалакка қиёслаш мумкин. Чархпалак ҳам бир зайлда айланаверади, гоҳ чўмичлари лиммо-лим тўлса, гоҳида қуруқ чиқади.

"Чарх" сўзи мумтоз адабиётда ҳам кўп қўлланилади. Менинг асаримда ҳам "чарх" сўзи мажозий маънода ишлатилган.

-- Асар сценарийси, бош қахрамонлари ўзингиз орзу қилган даражага етдингизми?

-- Мен телесериал учун илк бор сценарий ёзишим. Телесериал кинематографиямиздаги янги жанр. Сўнгги йиллар ичида зангори экран орқали кўплаб хорижий ва ўзбек телесериаллари намоёиш этилмоқда. Мен мавжуд сериаллардан ўзгачароқ шаклда асар яратишни мақсад қилиб қўйган эдим. Аниқроқ қилиб айтадиган бўлсам, ҳозирги сериалларнинг воқеалари бир хонадонда, бир хил кишилар ўртасида кечади. "Чархпалак"даги воқеаларни хонадонлардан ташқарига олиб чиқишга ҳаракат қилдим. Яна эътироф этишим керакки, сценарийни кўпроқ кинобоп қилиб ёздим.

Ушбу асарни ёзиш жараёнида телесериал сценарийларига доир анча нарсаларни ўргандим. Телесериал намоёиш этиш вақти қисқа бўлишига қарамасдан, ундаги воқеаларда бир неча киши ҳаёти-ни акс эттириш лозим. Сериаллардаги деярли ҳамма образларни бош қахрамон десак ҳам бўлади.

Мен асосан драматургиядаги "асарнинг боши ва якуни инсон-ни ҳайратга солиши керак" деган қонуниятга амал қиламан. Шунинг учун ҳам ҳар бир асарда янгидан-

янги тимсоллар кашф қилишга уринаман. (муаллифдан: масалан "Темир хотин"даги Аломат образи). Сериал бошларида кашфиёт -- Лули қизнинг пайдо бўлиши томошабини қизиқтиради. Лули қиз -- Марямни янги образ сифатида танилишида актрисанинг маҳорати ҳам менга анча ёрдам берди. Умуман Марям образини икки томонлама кашфиёт деса бўлади. Бири -- асардаги Лули образи бўлса, иккинчиси актриса ижро этган бу роли орқали ўз маҳорати, иқтидорини намоён эта олганидир.

Асар ҳаётини чиқиши учун қахрамонлар бошидан кечираётган воқеа-ҳодисаларни халқимиз кундалик ҳаётидан олдим. Масалан, Истат хола образини ўтмишдаги хотираларимга таянган ҳолда яратдим. Ҳақиқатан ҳам ҳаётда Истат хола каби мўътабар онахонлар кўп.

-- Янги йилдаги янги режалангиз...

-- Айна пайтада "Чархпалак"ни ниҳосига етказиш ҳақида бош қотиряпман. Асарни ҳаддан ташқари кўп серияли қилиш ниятим йўқ. Менимча, асарни "чўзиб" юбориш ярамайди. Шунинг назарда тулган ҳолда асарнинг ҳаммига эмас, мазмунига, ҳаётийлигига аҳамият беришга ҳаракат қиламан. Бу албатта, бир томондан сериал режиссёри ва қахрамонларига ҳам боғлиқ.

-- Ёшларга муносабатингиз?

-- Аввало, бир нарсани айтиб ўтсам. Ҳозирги пайтада айрим ёшларимизнинг бозорга чиқишини таълим олмаслик билан ифодалаб, танқид остига олиш ҳоллари учраб турибди. Менимча, бу тўғри эмас. Шарқ бозорларида ҳар доим ҳам ёшларнинг ўз ўрни бўлган. Бозорни яхлит тизим десак, болалар ундаги бир халқа ҳисобланади. Бу билан болаларни бозорларга даъват этмоқчи эмасман. Лекин нима бўлганда ҳам илмга чанқоқ ёшлар ҳеч ҳам камайгани йўқ. Аксинча олий ўқув юртларига кирувчиларнинг сони ортиб бормоқда. Ҳозирги кунда ҳамма ўз йўлини ўзи топиши керак.

-- Ёшларга тилакларингиз?

-- Буни бир воқеа билан ифодаласам. Ўқишга кириб қишлоққа бордим. Қишлоқдагиларга ўқишга кирганимни севиниб айтсам, бир отахон "ҳамма олим бўлаверса ҳам бўлмайди, қишлоқда мол боқсан нима қиларди" деди. Мен қари-яннинг гапларини содаликка, омилликка йўланидим, ўшанда. Энди тушуниб етсам у "ҳаётда ҳамма ўз ўрнини топиши керак, сен ҳам шундай" демоқчи бўлган экан. Худога шукр, мен ўз ўрниمنى топдим.

Ёшларга ҳам тилагим: ҳаётдаги ҳақиқий ўринларини топишлар. Агар инсон қандай лавозимда ишласин, ҳаётда ўз ўрнини тополмас экан, у ҳеч қачон бахтли бўлолмайди. 1999 йилда барчанинг истаги амалга ошин!

ТошДУ талабаси Зоҳир ТОШХҲАЕВ суҳбатлашди

### (Давоми. Аввалги утган сонларда)

-- Ўзингни бос, Тахминочка, - деди у. Шу ишни билмай қилиб қўйибман. Иккаламиз ҳам маст эканмиз. Мени кечир. Бўёғидан хотиржам бўл, ҳаммасига ўзим жавоб бераман. Сен фақат... ўзингни қўлга ол. Аянгга сираям билдири кўрма. Мен билан бамавсаҳат иш тут.

Атоникига зўрга етиб бордим. Ранг рўйим бир аҳволда, бутун вужудим зирқираб оғрийди, кўнглим хуфтон эди. Аям анча ўзига келган, чой ичиб ўтиришган экан.

-- Сенга нима бўлди? - хавотирланиб сўради аям авзойимни кўриб.

-- Ҳа, аям шундай... - дедим. - Мен... бир пас дам олмасам бўлмайди.

Доник дарров гапни тўғрилай қўйди: -- Биз борган жойга дам олиш учун шаҳарликлар келишкан экан. Мен балик ушлаш билан овора, эътибор бермапман. Тахмина янги дугоналар орттириб, кўпроқ коньяк ичиб қўйибди...

Сездим. Аям энгли тортгандек бўлди. -- Тахмина, нега бундай қилдингиз? - сўради у мени тергаган бўлиб. - Мен сени Доникка ишониб жўнатувдим. Сен бўлса ўзбошимчалик қилиб, мана...

Мен унга қўл силтаб, ичкарига кириб кетдим. Орқадан Атонинг "Ҳозир бир коса каклик шўрва ичкизворсак, яна аввалгидек дирқиллаб қолади" дегани эшитилди.

Шаҳарга қайтиб келганимдан кейин ҳам Доник мени ҳа деганда тинч қўявермади. У энди уйимизга аямнинг борлигида ҳафтада бир марта, аям эрталаб ишга чиқиб кетгач эса, деярли ҳар кун кириб келадиган бўлиб қолди.

Мен Доник билан уртамиздаги яқинликка бора-бора кўникиб, унга урганиб ҳам қолдим. У мени еру қўкка ишонмас, ҳатто жонини фидо қилиб юборишга ҳам тайёрдек эди. Эсимда, ун бешта тўлган кунимни ресторандан ўинчонладик. Уша кун у менга бриллиант кўзли тилла тақинчоқлар комплектини ҳадя қилди. Бу нарса заргарлик магазинида ўша пайтада икки минг доллар турар, бу пулга худди ўзиникидақа "Тойота" автомашинасини сотиб олиш мумкин эди.

Кейинроқ билишимча, ўша кунги дабдабали зиёфат аслида менинг туғилган куним муносабати билангина эмас, балки Доник икковимизнинг... "никоҳ кечаси" шарафига ҳам уюштирилган экан.

дайд пайтлар дунёга сиғмай кетардим. Аламимни аччиқ-аччиқ йиғидан оллардим. Ўзимни ўзим ўлдириб қўйсамми, деган ўйларга ҳам борардим. Лекин яна аямни, шусиз ҳам танҳоликда яшаётган аямни ўйлаб, ўзимча тавба келтирардим.

Бир кун аям мендан сўраб қолди: -- Тахмина, бирон жойинг оғрийтгани йўқми?

-- Каердан олдингиз бу гапни, ая? Мен соппа-соғман, -- дедим ўзимни хотиржам тутишга уриниб.

-- Билмадим. Лекин менимча... ранг-рўйингни тобора олдириб қўйяпсан.

Энимизда Сурайё ҳам ўлтиривди, та-рафимни олди:

-- Кўп ваҳима қилаверма, Хуршида. Қизинг энди балога тга етиб қолди, буюғига тез-тез ўзгариб туради...

Аям шундан кейин ўзича фол-бинга бориб, мени фол очтирипти. "Қизингизга ёмон кўз теккан, фалон қасдахонадан қайтарма қилдириб ичкизинг" депти.

Ҳа, фолбин ҳақ эди. Менга ёмон кўз теккан, ю р а г и м н и н г меҳригиёсини шафқатсизлик билан сўриб кетганди. Буни энди аямга айтишдан сираям фойда йўқ, у меҳригиёни энди ўз жойига келтириб қўйиш ҳеч кимнинг қўлидан келмасди.

Бўлар иш бўлди, деб юравериш билан иш битмади. Бир кунга бориб, аҳволим вазминлашиб қолаётганини сездим. Уша кун уримдан анча лоҳас турдим. Бошим айланиб, кўнглим беҳузур бўла бошлади. Аям ишга кетган экан. Доникка телефон қилдим. Бир зумда етиб келди. Нималар бўлаётганини айтдим, у мени тушунди.

-- Энди нима қиламиз? -- кўрқув ичида қалтираб сўрадим ундан.

-- Кўрқма асалим, кўрқма. Мен буюғини ҳам ўйлаб қўйганман, -- деди у менга тасалли бериб. Ҳозир бундай қиламиз...

У мени машинасига ўтқазиб, қаёққаям олиб кетди. Бир гинеколог таниш дўхтири бор экан. Лайлақдароз, савачўпга ўхшаган ориққина ўрис аёл. Ушанинг ишхонасига кириб бордим. Дўхтир мени обдон текшириб кўрганан кейин бош чайқайди:

-- Ҳомиласи катталашиб қолган, олиб ташлаш мумкин эмас. Бир-ики ой олдинроқ келиш керак эди.

Мен аяям кўрқиб кетдим, йиғига тушдим. Доник дўхтирга баландроқ келди.

-- Сен, Света, одамига қараб муомила қилишни ўрган. Мумкин-мумкинмас, деган гапларинг менга кетмайди. Яхшисен

бизнинг ишимизни кўнгиладигидек ҳал қилиб бергин-да, кейин қандингни ургин. Бўлмаса...

"Бўлмаса..." ўша дўхтирни нималар кутишини билмасдим албатта, лекин бечора гинекологнинг оқпар ранги янаям хириллашга кетди. "Финг" демасдан битта қоғозга ниманидур ёзиб, Доникка узатди:

-- Мана шу адресга бориңлар. Нисор хола деган бир яхудий кампир бор. Пул эмас, олтин узатсангиз, йўқ демайди...

Нисор кампирга Доник бармоғидан бриллиант кўзли олтин узугини чиқариб берди. Кампир узукни қўлига олиб, уёқ-бўёғини синчиклаб кўздан кечираркан, Доникнинг газаби қўзади:

-- Мен сен ўйлаган одамлардан эмасман. Тезроқ ишга кириш, бўлмаса каллангни олиб ташлайман!

Нисор кампир кутилмаган бу дағдагадан кўрқиб кетди.

-- Бўпти, -- деди қўлидаги узукни шоша-пиша ранги тузиб кетган қора вилор камзилининг ички чўнтагига соларкан. -- Лекин бу иш тезда битмайди. Қизингни бугун меникида қолдириб кетасан. Эртага тушдан кейин жавоб бераман.

-- Қўзим эмас, хотиним бўлади, -- тўнгилайди Доник. -- Оғзингга келган гапни гапираверсанми...

Кампир иккаламига бирма-бир анграйиб қараб қўйди-да, кейин шайтонни ҳайдаётгандек қўлини биз томонга кетмакет силтаб қўйди. Унинг бу қилиғи Доникнинг яна жаҳлини қўзади:

-- Миясиз суғулган кампир, бу нима қилигинг?!

Нисор ўзининг ноўрин ҳаракатини дарҳол тушуниб етиб, шоша-пиша кескинликка сув пурқайди:

-- Мен сизларга кўз тегмасин, деяман...

Мени энди яна ташвишга солаётган нарса мабода бу ерда қолгудек бўлсам, эртага аямга нима деб жавоб беришимда эди. Бироқ Доник унисигаям йўл топди.

-- Сен ҳозир шу ерда қолсан. Мен тезроқ уйланинга боришим керак. Аянг ишдан қайтмай туриб, записка ёзиб қолдираман. Мени срочно Тошкентга чақириб қолиши. Тахминани ҳам бирга олиб кетдим. Эртага кечқурун қайтамиз, дейман. Сендан ўзим ҳалироқ хабар оламан. Агар манави алвасти рози бўлса, бугун шу ерда ётиб ҳам қоламан.

Бизни аллақандай ҳадик ва зугум билан кузатиб турган Нисор кампир бу гапга ортиқ чиқолмади:

-- Мен албасти йўқ, сен албасти, сенга бунда қарават ҳам йўқ! Қўшнилари пис-

пис қилади, уйда эркак қолди, Нисони ўйнаши бор, дейди. Бу номус, биласанми, номус!

Мен ўшанда... Ишонасизми, Собир ака, Нисор кампирнинг бу гапидан ўлиб бўлганман. Ёши саксонларга бориб қолган, бели букри, бетлари нақд шафтолиқоқининг ўзи, чалпақка ўраб ташласангиз ҳатто дайди ит смайдиған оддий яхудий кампир номус деган нарсдан қанчалик чўчиёпти! Ҳали қирчил-лама ёшдаги келишимли Доникнинг шу ерда қолишидан ор-номус қилаёпти! Мен эса... ана шу кампир ор-номус қилаётган эркакдан ҳомилан борлиги учун келиб ўлтирибман бу ерга.

-- Ана шундай Собир ака. Ўзим танҳо фарзанд эдим, энди мен билан Келдиёровлар авлоди батамом йўқолиб кетадиган бўлди...

-- Эртасига кечки пайт дяд Доник мени уйга элтиб қўйди. Тошкентдан қайтган одамлардек, қўлимизда оз-моз совғасаломлар билан... Рангимда қон йўқ, бежаҳол қадим босаётганимни кўриб, аям хавотирга тушиб қолди. Нима бўлганини сўровди, мендан олдин Доник жавоб қайтарди:

-- Тошкент иссиқлик қилдим, ёки бирон нима ботмадим... ишқилиб самолётда кўнгли беҳузур бўлиб қайтди.

-- Сизку иш билан юрган одамсиз, -- дейди аям қўйиниб. -- Нега энди бу сизга бунчалик илашиб олди?

Илашса, илашар. Мен ўзим олиб кетдим. Тошканди морожнийсини соғиндим, дегани учун.

-- Тушунарли. Ичини музлатиб қўйган, қизи тушмагур.

-- Гапнингизда жон-бор. Кела-келгунча қоринни чангаллаб келди.

-- Ундай бўлса ўтиб кетар. Ҳозир сўт қайнатиб бераман.

Ҳа, аям унга бу сафар ҳам ишонди. Мен индамай ўз жойимга кириб ётдим. Эшик очиб қолди. Доник билан аямнинг гўнғир-гўнғири қўлогимга қалинади:

-- Ишлар қандай бораёпти, Хуршида?

-- Ёмон эмас. Кеча Мелиқўзи билан Бешариқда бўлдик. Исфаралик ошнангиз Муқимжонни кўриб қолдим. Хотини билан бозор айланиб юришган экан. Яна янгиенга уйланипти. Сабоҳатхон деган жувонга, кўрсангиз суқингиз киради, бирам чиройли, бирам чиройли...

-- Ишдан гапиргин.

-- Беш тонна спирт ҳозирлапти. Бугун кечаси Атоникига жўнатмоқчиман, деди. Утган сафаргиси билан Тошкент ҳалиям орани очиб қилмапти. Мен мистер Донига ишонаман, лекин журналарига тайинласин, уйин ҳалол бўлиши керак, деди.

-- Упкасини боссин. Менинг журналарим уч-тўрт юз мингни деб бетиға ёпинчиқ олмайди. Тошкент масаласи ҳал бўлган. Олтириқдан ўтказилган бензин билан ора очиб, ўзим телефон қиламан.

(Давоми бор)

СОЛГҲ КАХҲОР  
ДАЙДИ  
ҚИЗНИНГ  
ДАФТАРИ



(Қиссадан парча)

Кўз олдингизга келтиринг: бепоен чўлда "Нексия" да мазза қилиб кетяпсиз. Бирдан машина йўлнинг қок ўртасида ўчиб, ҳайкалдай қотди. Нима қилиш керак? Устахоналар узоқда. Автоуловнинг хасталиги сабабларини қандай аниқлаш мумкин? Бу ҳақда муҳандис Шерзод Жумаев "Автоулам" журналида шундай ёзади:

— Автомашина носозлигининг 70 фоизи "свеча", юқори қувватли электр симлари ва "беғунок"нинг ишдан чиққанлиги; 27 фоиз ёқилғи мидаги ва атиги 3 фоизи электрон узаткичлар (датчик) бузилганлиги билан изоҳланиши мумкин.

Агарда мотор тўсатдан ўт олмай қолса, бензин узатиш тизими ва унинг ишлашини текшириб кўриш керак. Бунинг учун дастлаб ёқилғи қутисини кўриш лозим. Мазкур мослама босим остида ҳайдаган бензин инжекторга узатилади, ортиқчаси эса ёқилғи бакига тушади. Демак, ёқилғи бак билан туташган қувур тармоғини текшириб кўриш керак. Техника хавфсизлиги қоидаларига риоя қилган ҳолда ўт олдириш мосламаси-

ни айлантираамиз. Агарда туйнукдан бензин сачраса, демак ёқилғи насоси соз. Агарда сачрамаса, уни дарҳол алмаштириш керак.

Ҳар 10 минг километр йўл босилгач, ёқилғи фильтрини янгилаш.

Керакли қисмларда бензин борлигини аниқлагач, носозликни ўт олдириш мосламасидан қидирамиз. Ка-

Мабодо бу қисмлар жойида бўлса, демак иш жиддийроқ, албатта мутахассисга мурожаат этиш лозим.

Айтайлик симда учкун бор, унда свечаларни текширинг. Агарда свечаларда ҳам учкун бўлмаса, демак, трамблёрнинг кичик гилдиракчалари (беғунок) ишдан чиққан.

Ҳар 10 минг километрдан сўнг свечалар толиқади, уларда "азор" пайдо бўлади. Ҳар 20 минг километрдан сўнг свечалар тўпламини янгилашни маслаҳат берамиз.


Купинча ҳайдовчи барча свечалар қуруқ, уларни алнинг ҳолати йўқ, деб ўйлашади. Лекин таъқаридан соз кўринган свечалар мотор ичида ўз вазифини тўла бажара олмаслиги мумкин.

Бензин насоси ҳақида. Жанубий Кореяда бундай насослар 100 минг километргача хизмат қилади. Бизда эса ёқилғининг сифатсизлиги учун уни 20-30 минг километрдан сўнг алмаштирган маъқул.

Баъзан ҳайдовчи калитни бурайди, лекин машинани ўт олдирмайди. У зуммер сигнали чиққунча кутади. Лекин бу шарт эмас. Калитни бураш билан ҳеч иккиланмасдан моторни ўт олдириш. Мотордаги электрон тизим ҳамма ишни ўзи бажаради. У мотор қизигунча ҳам айлаиш маромининг тезлашувини таъминлайди.

Йулингиз бехатар бўлсин!

## NEXIA: "ЮРАК" СИРЛАРИ



### "КАДИЛЛАК" — БУ "САРОЙ"

"Кадиллак"нинг "отаси" америкалик Генри Мартин Леланд ҳисобланади. У ўз фаолиятини бир аср муқаддам трамвай ва кемалар учун буг двигателлари ишлаб чиқаришдан бошлаган эди. Олти йилдан сўнг у ўша пайтда катта шов-шувларга сабаб бўлаётган соҳа -- автоулов ишлаб чиқаришда ҳам ўзини синаб кўришга қарор қилди. Леланд узоқ изланишлардан сўнг Форд билан ҳамкорликда антиқа автомобиль яратди. Уни Луизиананинг афсонавий асосчиси Антуан Ломэ де Ла Мотт Кадиллак номи билан аташди. Дастлабки машина 1909 йил 17 октябрда йиғилган. "Кадиллак" бир йилдан сўнг Нью-Йоркдаги автосалонда намоишга қўйилган. У автоуловдан кўра кўпроқ гилдиракли уйга ҳам ўхшар, ўта серҳашам эди.

Асримизнинг 30-йилларига келиб "Кадиллак" жаҳондаги энг замонавий, кўркем машина сифатида танилди. 50-йилларда у президентлар, вазирлар, кўйингки, дунёнинг казо-казолари орзу қиладиган шовқинсиз, юмшоқ, бақувват ва шинам машинага айланди.

"Кадиллак" 1988 йилгача турли ранг ва кўринишда тайёрланган эди. Ҳозирги кунларда у яна узайтирилган, мумтоз услубда, қулай ва тезкор автоулов сифатида қайтадан ишлаб чиқарилмоқда.

### ПУҚСОН ЁШИ "ФАРРОШ"

Ҳайдовчилар "фаррош" деб атайдиган ойна тозалагичлар 1908 йилда Пруссияда кашф этилган. Ўша мамлакат шаҳзодаси Генрих II автомобиль ойнасига уни тозалаб туриши учун икита резинка лента ўрнатишни таклиф қилган. Шундан сўнг автомобилга қўлдан ҳаракат қилнадиган икита чўткадан иборат ойна тозалагич ўрнатиш русум бўлган.

1917 йилда гаваялик Ормон Уолу томонидан электр двигателъ ёрдамида ҳаракатга келадиган "фаррош" яратилди.

Одатда энг яхши "фаррош"лар умри давомида 900 километр ёки 67 футбол майдони саҳнига тенг ойнани тозалаш қувватига эга бўлади.

### ФОЛБИН ЎЗ УЙИНГИЗДА

Суваракка қараб ҳам фол очини мумкин экан. Бунинг учун ошхонага кириб, у ерда уймаланиб юрган (агар бор бўлса) суваракларга синчиклаб тикилинг. Агарда:

- сувараклар ўзларини бардам сезиб, яйраб сайр қилиб юрган бўлса, билингки, хонадонингизда ҳамма ишлар рисоладагидек;
- сувараклар зўрга, эринибгина ҳаракат қилаётган бўлса, сизни яхши боқинмаяпти;
- сувараклар ранги қорайиб, кўнгирилашиб кетган бўлса, хизматда лавозимингиз кўтарилади;
- сувараклар тўғрига қараб чопишса, ҳали ома-лишигиз келади;
- сувараклар чапга қараб юрса, соҳибжамол қиз билан учрашасиз;
- сувараклар ўнга томон ҳаракат қилса, ишхона-нингизда кўнгилихиралик юз беради.

Тошкент шаҳри Бектемир туманида жойлашган "Хавас--Люкс" фирмаси тугатилади. Даволаб эълон чиққан кундан бошлаб бир ой мобайнида қабул қилинади.

Манзил: Бектемир тумани, Камтар Отабоева кўчаси, 51-уй.

### МУСАҲҶИҲ ЯНГЛИШГАНДА...

- Мен ўз иллатим (миллатим) билан фахрланаман!
- Муҳаббат Фалончиевнинг ҳирс иши (курс иши).
- "Талабалар, эртагаёқ барчангиз ректоратни (рефератни) ёзишингиз шарт!"
- Бош ролда Банкрот (Жан Клоуд) Вандамм.
- Бўш (қўш) саҳифани журналист..... тайёрлади.
- Талаба тамом (таом) божхонаси (ошхонаси).
- "Икки тешик (эшик) ораси" асари.
- Гулшан ичра пул (гул) топилмас.
- Менда тўғри (ўғри) фикр йўқ!
- Журналист тузоқни (узоқни) кўриб ишласин!
- Хотинча (лотинча) сўзлар тўплами.
- Доя(ғоя)нгиз яхши, лекин сустроқ.
- Пошшахоннинг хижолат (тижорат) ишлари анча юришиб қолди.
- "Менга энгашадиган (эргашадиган)лар жуда кўп!" - деди бошлқ.
- -- Катта лозимлар (лаво-зимлар) муборак бўлсин, хўжайин!
- Яхши қиз, дарсни бузмай харидорга(кардорга) чиқинг!
- Янги хитобим (китобим) чиқиш арафасида.
- Панамизни (хонамизни) жиҳозладик.
- Бу янги кулфатимиз (улфатимиз).
- Факультетда ким кўп еган (декан) бўлди?

Хуршид РЎЗИЕВ,  
ТошДУ толиби

### БАХИЛЛИК ШУНЧА-ДА

Ҳар ким тарихда ҳар хил ном билан қоларкан. Масалан XIX асрда яшаб оламдан ўтган Джек Фуллер тўймаслиги билан ном қолдирди. У тириклик чоғида дунёнинг бевафолиги хусусида кўп ўйларди. Джек шу боис ҳам ўзини вафот этганидан сўнг ерга эмас, балки, пирамида ичига кўмишларини васият қилган. Чунки у шундай ўйларди: "Мен ўлгач, жасадимни кўрт-қумурсқалар, қумурсқаларни эса ўрдак ва товўқлар ейди. Семизгина ўрдак ва товўқларни қариндошларим паққос туширади. Қариндош-уруғларимга молу мулким мерос қолгани етмай, энди мен ўлгач, бу ишқамас авлодларим жасадимни ҳам ейишсинми?"

### 60 Ёшли она

Британиялик фермер аёл Элизабет Боттл умрининг шомида - 60 ёшни хатлагач, кўчқордек ўғил туғди. У бу билан миллий рекорд қўйди. Фермер аёлдан аввал энг кеч фарзанд кўрган аёл 59 ёшда бўлган экан.



### ЭНГ ҚУЛАЙ ЖОЙ — ОШҚОЗОН

Уралда божхона ходимлари "Тошкент - Москва" йўналишидаги поезлда кетаётган шубҳали кўринган тўрт нафар тожикистонлик йўловчиларни текшириб, ҳайратдан оғизлари очилиб қолди. Чунки йўловчилар чайқов бозорида бир грамми 150 доллардан солинаётган 5 килограмм қора дорини махсус мослама орқали ошқозонидан олиб кетишадиган экан.

### ЧАУШЕСКУ ШАРОБЛАРИ

Бухарестда 9 йил муқаддам қатл этилган собиқ диктатор Чаушескуга тегишли бўлган 1150, шиша идишдаги шароблар, ароқ ва шампан винолари ким ошди савдосига қўйилди. Савдолдан тушган 185 миллион лей (18,5 минг доллар) маблағ қариялар ва болалар уйларида яшовчи фуқароларни қўллаб-қувватлаш учун ишлатиладиган бўлди.

### ОМАДИ КУЛДИ

Англиялик Джон Ноуксу уй сотиб олиш учун давлатдан қарз сўраганида, рад жавобини беришди. Шунда у ҳамма нарсага қўл силтади-да, бахтининг излаб Америкага йўл олди. Қарангки, ўзга юртда унинг омади келди. Ҳозирда собиқ биология ўқитувчиси 30 миллион долларлик мулкка эга. У Холливуд "юлдуз"лари Памела Андерсон ва Пирс Броснаннинг кўшнисини бўлиб, олти-та ётоқхонаси бор дангилама уйда янги йилни кутиб оладиган бўлди.

Муассис:

ЎЗБЕКИСТОН ЁШЛАРИНИНГ  
«КАМОПОТ» ЖАМҒАРМАСИ

Бош муҳаррир  
Абдуқодир НИЁЗОВ  
Навбатчи муҳаррир:  
Рузиқой ҲАМИДОВ

ТАҲРИРИЯТ:  
Бош муҳаррир — 133-89-61  
Қабулхона — 136-56-58  
Хатлар бўлими — 133-79-69

МАНИЛИМИЗ:  
700083 Тошкент Матбуотлар кўчаси, 32-й  
Таҳририятта юборилган материаллар қабул қилинмайди.  
Муҳаллафлар фикри таҳририят нўстга нақаридан  
фарқлангани мумкин.